

**САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ТОХТИЕВ ЖАХОНГИРБЕК БАХТИЕРОВИЧ**

**СПОРТНИНГ МИЛЛИЙ КУРАШ ТУРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ  
АТЛЕТЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ ДИНАМИКАСИ  
ВА МОРФОФУНКЦИОНАЛ МАВҚЕИ**

**14.00.38 – Спорт тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertatiyon abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Тохтиев Жахонгирбек Бахтиерович**

Спортнинг миллий кураш тури билан шуғулланувчи

атлетларининг жисмоний тайёргарлиги динамикаси

ва морфофункционал мавқеи ..... 3

**Тохтиев Жахонгирбек Бахтиерович**

Морфофункциональный статус и динамика

физической подготовленности атлетов, занимающихся

национальным видом спорта кураш ..... 21

**Tohtiyev Jahongirbek Bahtiyorovich**

Morphofunctional status and dynamics of physical fitness of athletes

engaged in national sport kurash ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 44

**САМАРКАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙКЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ТОХТИЕВ ЖАХОНГИРБЕК БАХТИЕРОВИЧ**

**СПОРТНИНГ МИЛЛИЙ КУРАШ ТУРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ  
АТЛЕТЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ ДИНАМИКАСИ  
ВА МОРФОФУНКЦИОНАЛ МАВҚЕИ**

**14.00.38 – Спорт тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1315 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) манзилига ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Еремушкин Михаил Анатольевич**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Парастаев Сергей Андреевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Мавлянова Зилола Фархадовна** тиббиёт  
фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Россия узлуксиз касбий талим тиббиёт  
академияси (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Самарканд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.TIB.102.02 сон Илмий Кенгашнинг «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарканд ш.. Амир Темур кўчаси 2-уй. Тел.: (+99866)233-30-34; e-mail: [ilmiyprorektori@sammu.uz](mailto:ilmiyprorektori@sammu.uz).

Диссертация билан Самарканд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарканд, Амир Темур кўчаси 2-уй. Тел.: (+99866) 233–30–34.

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2023йил«\_»\_\_\_\_\_даги\_\_\_\_\_рақамли реестр баённомаси.

**Ж.А. Ризаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.У. Самиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Т. Насретдинова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда кураш спортининг оммавийлашуви туфайли ҳозирги кунда республикамизда якка курашларнинг мазкур тури билан шуғулланаётган спортчилар сони сезиларли даражада кўпайиб бормокда. Кураш спорт тури дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларида оммалаштирилган. Бу мамлактларда минтақавий чемпионатлардан ташқари китъалараро мусобақалар ҳам ўтказилмокда. Кураш спорт турининг ривожлантирилиши натижасида тегишли норматив ҳужжатларга биноан “курашни давомли оммалаштириш ва тизимли ривожлантириш, уни Африка, Панамерика, Европа минтақавий ўйинлари спорт турига расман киритиш ва "GAISF – Global Association of International Sports Federations" халқаро ташкилоти томонидан тан олинishi, курашни Халқаро олимпиада ўйинлари дастурига киритиш мақсадларида 2025 йилгача миллий спорт тури бўлган курашни янги босқичга олиб чиқиш Концепцияси ишлаб чиқилган”<sup>1</sup>. Кўп йиллардан буён халқаро аренада кураш спорт турини олимпиада ўйинлари дастурига киритиш ҳақида кўп мунозаралар бўлмокда ва мазкур қарорнинг қабул қилинишига якка курашнинг мазкур туридаги (курашдаги) рақобат ва унинг соф спортни ташкил этиши даражаси дзюдо, самбо ва эркин кураш каби тан олинган спорт турларига қараганда пастроқ деган фикр тўсқинлик қилмокда. Тиббий жиҳатдан олиб қаралганда кураш билан шуғулланиш бўйича машқлар жараёнини бошқариш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун халқаро кураш турлари билан қиёслаган ҳолда ўзбек курашида спорт жароҳатларининг морфофункционал кўрсаткичлари ва хусусиятларини ўрганиш долзарблик касб этади.

Ҳозирги кунда бутун дунёда курашчиларнинг гармоник ривожланиши суръати ва соғлигини сақлаган ҳолда улар юқори спорт натижаларига эришиши учун самарали бўлувчи, асосли методларни қидириб топишга алоҳида эътибор қаратилмокда. Мазкур вазифанинг ҳал этилиши халқаро даражадаги рақобатнинг ўсиб бораётганлиги, спортнинг тижоратлашуви ва профессионаллашуви, спортнинг олимпиада турлари ва профессионал спортнинг яқинлашуви, шунингдек нуфузли халқаро спорт мусобақалари дастурига янги спорт турларини киритиш каби бир қатор муаммоли шароитлар билан мураккаблашиб бормокда. Шу муносабатда илмий изланишларнинг йўналишларидан бири жисмоний тарбиянинг миллий воситалари ва халқаро даражада тан олинган спорт турларининг уйғунлашувига асосланган ҳолда ёшларнинг жисмоний тайёргарлигини оширувчи маҳсус дастурларни тизимли равишда ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда спортчиларнинг юқори натижаларга эришиши, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва уларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини оширишни таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмокда. Бу масалада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида “аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 4-ноябрдаги ПҚ-4881-сон Фармонида 1-илова.

технологик тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича муҳим вазифалар” белгиланган<sup>2</sup>. мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда спортчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва тиббиётда замонавий технологияларни қўллаш орқали соғломлаштиришнинг самарали методларини ишлаб чиқиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 9 мартдаги ПҚ–2821-сон «Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония) да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Спорт якка курашлари орасида самбо, дзюдо ва эркин кураш каби турлар кўпроқ ўрганилганлиги таъкидланади. (Ю.М. Ким, Л.П. Югай 2005; Чой Сунг Мо 2009; Уруймагов В.Б. 2009; Коломиец О.И. 2011; Похачевский А.А. 2011; Таймазов А.Б. 2017 ва бошқалар). Ўзбекистон олимлари томонидан белбоғли кураш, шунингдек Фарғона ва Бухоро кураши каби миллий кураш турларини ўрганишга қаратилган илмий ишлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотлар ёш курашчиларнинг техник-тактик тайёргарлигини такомиллаштириш ва кураш спорти машқларини ўтказиш методларини танлаш масалаларига бағишланган. (Керимова Ф.А., 2002, Мирзақулова Ш.А., 2014, Боймуродова И.Х, Каримова Б, 2009, Мирзонова Ш.С., Ишмухамедова Т.Р., 2014). Турон кураши бўйича курашчиларнинг функционал кўрсаткичларини ўрганиш бўйича тадқиқот олиб борилган ва унда тадқиқот натижалари асосида PWC-170 ва МПК бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган ўсмир ёшдаги истиқболли спортчилар гуруҳи ажратиб берилган. Шунингдек, турли вазн тоифасида бўлган курашчиларни ажратиб турувчи конституционал хусусиятларни ўрганиш амалга оширилган ва бу тадқиқот натижасида индивидуал конституционал кўрсаткичлар курашчиларнинг махсус ҳаракатларни бажариш сифатларига таъсир қилишга қодир эканлиги исботлаб берилган (Бобомуродов Н.Ш. 2021). Илмий адабиёт шарҳи мазкур тематика бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг кўп қисми спорт

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 20-июндаги “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3071-сон қарори.

тренировкаи жараёнидаги методологик жиҳатларга ва жисмоний тайёргарликни яхшилашга қаратилганлигини кўрсатиб берди.

Миллий жисмоний тарбия ва ҳалқаро тан олинган спорт турларининг элементлари уйғунлигига асосланган ҳолда ёш спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражасини ошириш учун тизимли дастурни ишлаб чиқиш спорт илми соҳасининг энг қизиқарли йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур вазифани курашнинг жиҳатлари асосида ҳал этиш миллий анъаналар ва замонавий яккакурашларнинг илғор тенденциялари оптимал нисбатда бўлиши кераклигини тақозо этади. Шунинг билан биргаликда замонавий трендлар таъсири остида ўзбек курашининг миллий колорити йўқолиб кетишига йўл қўймаслик зарур, чунки кураш ҳалқимизнинг маданий мероси эканлигини назардан қочириб бўлмайди. Диссертациянинг йўналишларидан бири курашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва соматометрик кўрсаткичларини ривожлантириш бўйича ўзбек курашида қўлланилувчи машқлар методикаларининг таъсирини ўрганиш ҳисобланади.

Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида бу мавзу бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтини «Инсон танасининг турли тизимларини физиология ва патологияда тартибга солиш механизмларини ўрганиш» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Миллий кураш спорт тури билан шуғулланаётган спортчиларнинг морфофункционал мақоми ва спорт жароҳати хусусиятларини ўрганиш асосида уларнинг ташкилий ва даволовчи-профилактик чора-тадбирлари дастурини янада такомиллаштириш.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

мутахассислар билан анкета сўровини ўтказиш асосида ўзбек кураши спортчиларининг энг аҳамиятли морфофункционал кўрсаткичлари ва спортчилар жисмоний тайёргарлиги мезонларини аниқлаш;

ўзбек кураши спорт турида спортчиларнинг морфофункционал кўрсаткичларини таҳлил этиш ва уларни курашнинг ҳалқаро турлари спортчиларининг кўрсаткичлари билан қиёслаш;

ўзбек кураши билан шуғулланишнинг морфофункционал кўрсаткичлари ва спортчиларнинг ҳалқаро кураш турларидаги спорт натижаларига таъсирини ўрганиш;

миллий кураш турида спорт жароҳатининг тузилмаси ва хусусиятларини таҳлил этиш;

миллий кураш тури учун истиқболли атлетларни танлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти:** сифатида миллий ва ҳалқаро кураш турлари билан ихтисосланаётган, 2019 ва 2020 йилларда Андижон, Фарғона ва

Наманган вилоятларининг спорт муассасаларида тадқиқот остига олинган 130 нафар спортчилар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети:** миллий кураш билан шуғулланаётган спортчиларнинг конституционал, функционал ва клиник кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари:** тадқиқотда анкеталаштириш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тестлари, антропометрик методлар, клиник кўрик методлари, визуализация (магнит-резонанс томографияси) методлари ва статистик ишлов бериш методлари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илмий жиҳатларда илк марта миллий кураш тури билан шуғулланаётган курашчиларнинг соматотипик хусусиятлари таҳлил қилинди;

курашнинг ҳалқаро турлари билан шуғулланувчи спортчилар билан қиёслаганда миллий кураш билан шуғулланаётган спортчиларнинг оёқ мускуллари ва реакцияга киришиш бўйича жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари кўпроқ ривожланган бўлиши аниқланган;

миллий кураш билан шуғулланиш клиник ўтиб бориши тоғай тўқимасининг шикастланиши даражаси билан мутаносиб бўлмайдиган менископатиени келтириб чиқариш хавфи юқори бўлиши исботланган;

курашнинг ҳалқаро турлари билан миллий кураш элементларини қўшиб шуғулланиш спортчиларнинг морфофункционал кўрсаткичлари ва спорт натижалари ошишига кўмаклашиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Миллий кураш билан шуғулланаётган спортчиларда симптомсиз менископатия ривожланиши хавфи юқори бўлиши аниқланган ва бу ҳолат бирламчи диагностика бўйича тегишли кузатув олиб бориш ва чоралар қўллаб туришни талаб этади;

миллий кураш спорт тури учун истиқболли атлетларни танлаб олиш учун тавсияномалар ишлаб чиқилган;

морфофункционал ривожланиш кўрсаткичлари, жисмоний тайёргарлик даражаси ва мазкур спорт турининг юкламалари ва талаблари билан шартланилган спорт жароҳатларининг маълум гуруҳи ривожланиши хавфи юқори эканлигига асосланган ҳолда миллий кураш тури ҳисобланган ўзбек кураши яққакурашларнинг олимпиада турларига мос келиши асосланган ва исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ўтказилган тадқиқотларда замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдириб турувчи морфометрик, функционал ва визуаллаштирувчи методлар қўлланилганлиги, шунингдек зарур миқдордаги спортчилар кўриқдан ўтказилганлиги, статистик таҳлил методлари тўпламидан тўғри фойдаланилганлиги, ва шунингдек олинган ҳулоса ва натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятга эга эканлиги миллий кураш билан шуғулланаётган курашчиларнинг ўзига ҳос талаблар ва жисмоний

юкламалар мавжудлиги билан шартланилувчи соматотипик, функционал ва клиник хусусиятлари спорт тиббиёти нуқтаи назаридан ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий жиҳатдан аҳамиятли эканлиги мазкур натижалар ўзбек миллий курашини олимпиада яккакурашлари қаторига киритиш таклифи асосли эканлигини тасдиқлаши билан изоҳланади, чунки ўзбек кураши морфофункционал ривожланиши, жисмоний тайёргарлиги ҳолати ва маълум гуруҳдаги спорт жароҳатлари ривожланиши ҳавфи борлиги даражалари бўйича курашнинг ҳалқаро турларига мос келади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Миллий кураш билан шуғулланувчи курашчиларда кузатилувчи морфофункционал ўзгаришларнинг ҳаракетридан келиб чиққан ҳолда тадқиқот ишида:

“Миллий спорт тури – ўзбек курашида спортчиларнинг модели морфофункционал тавсифларини(характеристикаларини) таҳлил этиш методи” деб номланган методик тавсиялар тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 24 июндаги 8/721-сонли маълумотномаси). Ёш спортчиларнинг аморфофункционал кўрсаткичлари мазкур спорт тури нуқтаи назарида кўпроқ даражада истиқболли бўлган ёш спортчиларни танлаш бирга мазкур спорт тури билан шуғулланиш билан боғлиқ бўлган патологиялар ривожланиши ҳавфига яқин бўлувчи спортчилар тоифасини аниқлашга имкон беради.

Фарғона ва Наманган шаҳарлари олимпия ва параолимпия заҳиралари республика коллежларининг спорт врачлари ва мураббийлари амалиётига миллий спорт тури – ўзбек кураши билан шуғулланувчи спортчиларнинг модели морфофункционал тавсифлари(характеристикаларини)ни таҳлил қилиш методи тадбиқ этилди. (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 8 августдаги 8/407-сонли маълумотномаси). Олинган натижалар курашчиларнинг индивидуал машқлари ҳисобини юритишга имкон яратди, курашчиларнинг соматометрик ва функционал хусусиятлари асосида конкрет ихтисослаштирилган гуруҳ курашчилари учун зарур бўлувчи жисмоний сифатларни ривожлантирган ҳолда улар орасидан кўпроқ даражада иқтидорлиларни аниқлаштириш амалиёти мукаммаллаштирилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 2 та, жумладан, 1 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамалардан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш, жумладан 1 методик тавсия ва 8 илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 2 республика ва 2 халқаро илмий нашрларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, методлари тавсифланган, тадқиқот объекти, предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Миллий ва халқаро кураш турлари билан шуғулланаётган спортчиларнинг морфофункционал ва физиологик хусусиятлари”** деб номланган биринчи бобида мамлакатимиз ва чет эл илмий адабиёти асосида спортчилар организмнинг турли якка курашларда мавжуд бўлувчи махсус жисмоний юкламаларга адаптацияси муаммосининг бугунги кун ҳолати таҳлил қилинган.

Мавжуд адабиётлар таҳлили ўзбек кураши миллий спорт тури сифатида тарихий ўзига хослигини сақлаб қолган ҳолда, маҳаллий ва халқаро миқёсда оммалашиб бораётганлигини кўрсатиб берди. Шунингдек мазкур спорт турида қабул қилинган махсус қиодалар ва у билан шуғулланаётган спортчиларга қўйиладиган талаблар атлетларнинг организми ўзига хос равишда қайта қурилиши жараёнига, маълум бир соматотип шаклланишига ва айрим спорт жароҳатлари ривожланишига бўлган мойиллик кучли бўлишига таъсир этади. Юқорида санаб ўтилган жиҳатлар илмий адабиётда жуда кам ёритилган, ёки ёритилган бўлсада, асосан спорт медицинасига эмас, кўпроқ жисмоний тарбия ва спорт йўналишига қаратилган. Шу муносабатда ўзбек кураши ва уни спорт медицинаси фани нуқтаи назаридан ўз амалиётига киритган спортчиларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган жиҳатларини ўрганиш катта қизиқиш уйғотади. Тадқиқот мобайнида олинган маълумотлар кўплаб муаммоли масалаларни ҳал этиш, шу жумладан, ўзбек курашининг хусусиятлари дзюдо ва самбо каби ўхшаш яккакураш турларининг хусусиятларидан қай даражада фарқланишини аниқлаш ва ўзбек курашини ўз талаблари бўйича спорт олимпия турларига мос бўлган спорт тури деб ҳисоблаш қанчалик асосли бўлишини аниқлашга имкон беради. Зеро, кўп йиллардан буён кураш ассоциацияси мазкур спорт турини олимпиада ўйинлари дастурига киритиш устида иш олиб бормоқда.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва методлари”** деб номланган иккинчи бобида спортчилар контингенти ва уларни ўрганиш методлари, шу қаторда анкеталаштириш методлари, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тестлари, антропометрик методлар, клиник текширув методлари ва визуаллаштириш (магнит-резонанс томографияси) методларидан иборат бўлган тадқиқотлар материалларининг тавсифлари келтирилган.

Тадқиқотда миллий ва халқаро кураш турлари билан шуғулланаётган барча вазн тоифалари вакили бўлган спорт устаси ва спорт усталигига

номзод бўлган 130 нафар спортчилар қатнашди. Миллий кураш тури сифатида ўзбек кураши ва унинг турлари танланди, халқаро кураш турларидан эса кураш спорт турига ўхшаш бўлганлиги ва ўзбек курашидаги қоидалардан келиб чиқиб дзюдо ва самбо курашлари танланди.

Тадқиқот дизайни 4 босқичдан иборат бўлди.

Биринчи босқичда миллий спорт турлари билан шуғулланган/шуғулланаётган амалдаги ва собиқ мутахассислар ва мураббийлар билан анкета сўровномаси ўтказилди. Мазкур спорт тури билан шуғулланаётган тегишли мутахассислардан анкета сўровномасини ўтказишдан иборат бўлган таҳлилий босқични ўтказиш илмий адабиётларда ўзбек курашининг турли жиҳатларини ўрганишга бағишланган илмий ишлар мавжуд эмаслиги ва кураш маълум минтақага хос бўлган спорт тури эканлиги билан шартланди. Шунинг учун бевосита спортчиларни тадқиқ этишдан олдин мураббийлар ва собиқ курашчилар билан ишлаган ҳолда ўзбек курашининг асосий спорт ва жимоний жиҳатларини баҳолаб олиш мақсадга мувофиқлик касб этди. Мутахассисларнинг мазкур спорт тури бўйича билим ва маҳорати даражаси уларда тегишли унвонлар ва спорт разрядлари мавжудлиги билан тасдиқлантирилди. Анкета сўровномасида жам 30 нафар мутахассис қатнашди.

Иккинчи босқичда ўрганилаётган 3 гуруҳ спортчиларининг морфофункционал кўрсаткичлари қиёсий баҳоланди:

- 1-гуруҳ, миллий кураш турлари( $n=50$ );
- 2-гуруҳ, халқаро кураш турлари ( $n=50$ );
- 3-гуруҳ, ҳақаро ва миллий кураш турлари( $n=30$ ).

Учинчи босқичда 2 ва 3 гуруҳларда миллий кураш турлари билан шуғулланиш халқаро кураш турлари билан шуғулланишдаги натижаларга қандай таъсир этиши ўрганилди.

Тўртинчи босқичда ўрганилаётган спортчилар гуруҳидаги спортчиларда (курашчиларда) спорт жароҳатларининг кўлами таҳлил қилинди ва МРТ (магнит-резонанс томография) маълумотлари асосида курашчиларда менисклар жароҳатланганлиги даражаси баҳоланди.

Олинган маълумотларга арифметик ўртача ( $M$ ), ўртача квадрат оғиш ( $\sigma$ ), стандарт ҳато ( $m$ ), нисбий ҳажм (частота, %) ларни ҳисоблаб чиқиш орқали статистик таҳлил ўтказиш амалий дастурлари пакетини қўллаган ҳолда статистик ишлов берилди. Статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлган ўзгаришларга  $p < 0,05$  ишончлилик даражаси қўлланилди.

Диссертациянинг **“Кураш спорт тури билан шуғулланаётган спортчилар организмининг конституционал ва функционал хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида кураш спорт тури бўйича мутахассислар анкета сўровининг натижалари ҳамда курашнинг халқаро турлари билан шуғулланувчи атлетларнинг кўрсаткичлари билан қиёслаган ҳолда ўзбек кураши билан шуғулланаётган спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги даражаси ва морфофункционал параметрлари келтирилган.

Анкета сўровини ўтказиш қуйидаги саволларни ўрганишдан иборат бўлди:

- ўзбек кураши ва ҳалқаро кураш турлари вариантларининг ўзаро алоқаси;

- ўзбек кураши курашчиларининг жисмоний тайёргарлиги тузилмасини ўрганиш;

- ўзбек курашида курашчиларни тайёрлаш воситалари ва методлари ҳамда уларнинг бошқа кураш турларидан фарқлари;

- ўзбек курашида курашчиларни тайёрлашда қўлланиладиган ва ҳалқаро кураш турларида қўлланиладиган воситаларнинг самарадорлиги.

Мутахассислар билан анкета сўровномасини ўтказиш натижалари куйидаги хулосалар қилинишига асос яратди:


- кўп хусусиятларга эга бўлсада, миллий кураш турлари кўп жиҳатларда дзюдо ва самбо каби ҳалқаро кураш турларига ўхшашдир;

- миллий кураш турларида “партер” ҳолатида курашиш йўқлиги ва бўғувчи усулларни қўлламаслик қоидалари орқали чекловлар ўрнатилганлиги спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги хусусияти ва маълум морфофункционал кўрсаткичлар ривожланишига сезиларли таъсир этади;

- ўзбек курашида курашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги тузилмасида куч, чаққонлик ва айрим морфологик кўрсаткичлар кўп аҳамиятли ҳисобланади;

- миллий кураш турларида спортчиларни тайёрлаш методикаси кўп жиҳатларда ҳалқаро кураш турлари методикасига ўхшайди. Ўзбек курашида кўпинча жуфтлик машқлари ва махсус силжитувчи (қўзғатувчи, йиқитувчи, етаклаб юрувчи) машқлар қўлланилади;

- респондентларнинг кўпчилиги миллий ва ҳалқаро кураш турларининг тайёргарлик методларини уйғунлаштириш ҳар икки гуруҳ спортчилари натижаларини ошириш учун самарали метод ҳисобланади деб фикр билдиришган (1-расм).



**1-расм.** Анкета сўровномаси натижалари бўйича миллий кураш тури курашчилари жисмоний тайёргарлигининг аҳамиятли бўлган кўрсаткичлари.

**Ўрганилган гуруҳларда спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги  
бўйича базавий кўрсаткичларини баҳолаш натижалари**

| Кўрсаткичлар                                        | Ўлчов<br>бирликлари | 1-гуруҳ ўзбек<br>кураши (n=50) | 2-гуруҳ халқаро<br>кураш турлари<br>(n=50) |
|-----------------------------------------------------|---------------------|--------------------------------|--------------------------------------------|
|                                                     |                     | M±m                            |                                            |
| Вазн                                                | Кг                  | 71,06±12,57                    | 71,32±8,2                                  |
| Бўйи                                                | См                  | 172,6±6,75                     | 172,7±7,14                                 |
| ЎХХ (ўпканинг ҳаётий ҳажми)                         | См <sup>3</sup>     | 4650±267,4                     | 4694±251                                   |
| Ҳаво олишда нафасни тутиб туриш                     | Сек                 | 49,4±3,09                      | 50,32±2,22                                 |
| Гавдани ёйиш динамометрияси                         | Кг                  | 175,6±14,7*                    | 152,6±14,68                                |
| Тосни ёйиш динамометрияси                           | Кг                  | 167,4±10,65*                   | 149,8±14,49                                |
| Панжа динамометрияси                                | Кг                  | 59,8±6,84                      | 59,6±6,68                                  |
| Арқонга тирмашиб чиқиш                              | Сек                 | 5,13±0,19                      | 5,11±0,21                                  |
| Узунликка сакраш (жойидан туриб)                    | См                  | 246,7±5,25*                    | 231,02±12,3                                |
| Йиқитиш таъсири коэффиценти                         | Шартли<br>бирлик    | 0,52±0,03                      | 0,59±0,03                                  |
| 30 метрга югуриш                                    | Сек                 | 4,6±0,1                        | 4,65±0,15                                  |
| Моки югуриш 4 x 10                                  | Сек                 | 9,25±0,11                      | 9,2±0,12                                   |
| Турникда тортилиш                                   | Микдор              | 17,74±1,36                     | 17,64±1,22                                 |
| 10 сек. давомида турникда<br>тортилиш               | Микдор              | 7,5±0,97                       | 7,24±1,01                                  |
| Купер тести                                         | М                   | 1420±75,5                      | 1410±73,5                                  |
| Гарвард степ-тести                                  | Шартли<br>бирлик    | 85,42±4,79                     | 86,86±4,67                                 |
| Елкадан ошириб отиш (беш марта)                     | Сек                 | 8,7±0,46*                      | 7,36±0,48                                  |
| Прогиб билан беш марта отиш                         | Сек                 | 12,7±0,69*                     | 10,76±0,98                                 |
| Манекенни отиш 5-дақиқалик тести                    | микдор              | 50,84±1,68*                    | 55,32±2,19                                 |
| Олдинга эгилиш                                      | См                  | +7,38±0,49                     | +7,32±0,47                                 |
| узунликка шпагат ташлаш                             | См                  | 16,36±0,74                     | 16,42±0,7                                  |
| Оддий реакция                                       | Мс                  | 1136±8,08*                     | 1171,2±8,48                                |
| Мураккаб реакция                                    | Мс                  | 1367±28,58*                    | 1433,2±35,3                                |
| Ҳаракатдаги объектга нисбатан<br>тезкор реакция     | Мс                  | 508±9,89*                      | 529,2±12,42                                |
| Турникда осилган ҳолда оёқларни<br>10 марта кўтариш | Сек                 | 16,36±0,8*                     | 18,16±1,13                                 |
| Елкага одам чиқариб олиб 10 марта<br>ўтириб туриш   | Сек                 | 19,4±0,92                      | 17,54±1,89                                 |
| Кураш кўпригида комплекс машқ                       | Сек                 | 17,58±0,7                      | 15,74±1,41                                 |

**Изоҳ:** n–танланган машқ ҳажми; \*– 2-гуруҳ спортчиларининг кўрсаткичлари билан қийслангандаги фарқлар; статистик ишончлилик тенгламаси <0,05

Анкета сўровини ўтказишдан олинган натижалар курашнинг миллий ва халқаро турлари бир-бирига ўзаро ижобий таъсир этишини илмий асослаш учун чуқур, тизимли тадқиқот лар ўтказиш зарурлигини кўрсатиб берди. Жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш мақсадида ўтказилган махсус тестларнинг натижалари ўзбек курашида тананинг қуйи қисми мускуллари ривожланган бўлиши ва бунинг сабаби кураш қиодаларига боғлиқлиги, яъни

юқори даражадаги қатъиятли бўлиш ва “ қаддини тутиш” қобилиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар муҳим бўлишини кўрсатиб берди. Шунингдек, тест натижалари ўзбек курашида мавжуд бўлган қоида ва талаблар спортчининг реакциясини характерловчи кўрсаткичлар ривожланган даражада бўлишини тасдиқлаб берди. (1-жадвал).

Гавда оғирлиги (массаси) компонентларини ўрганиш орқали миллий кураш тури билан шуғулланаётган спортчиларда секин шуғулланаётган спортчиларга қараганда мускул компоненти нисбатан оғир бўлиши ва ёғ компоненти оғирлиги эса озроқ бўлиши аниқланди (2-жадвал). Ёғ ва мускул оғирлиги (массаси) шундай динамикада бўлиши табиий ва бу ҳолат гавда таркибининг рационал жисмоний юкламаларга мослашувчанлик бўйича қайта қурилиши имкониятини акс эттиради. Бундан ташқари, мускул ва ёғ массасининг нисбати ишчанлик қобилияти ва энергия таъминотига ҳам таъсир этади.

## 2-жадвал.

### Курашчилар гавдаси оғирлиги(массаси)нинг компонентлари

| Морфологик кўрсаткичлар,<br>% | Спортчилар гуруҳи                      |                                         |
|-------------------------------|----------------------------------------|-----------------------------------------|
|                               | 1-гуруҳ миллий кураш<br>турлари (n=40) | 2-гуруҳ халқаро<br>кураш турлари (n=30) |
| Суяк тўқимаси массаси         | 19,86±0,49                             | 19,9±0,78                               |
| Мускул тўқимаси массаси       | 54,66±2,01*                            | 50,7±1,21                               |
| Ёғ тўқимаси массаси           | 7,42±0,57*                             | 9,4±0,34                                |

**Изоҳ:** n–танланган машқ ҳажми; \*– 2-гуруҳ спортчиларининг кўрсаткичлари билан қийёслангандаги фарқлар; статистик ишончлилик тенгламаси <0,05

Ўрганилаётган курашчилар гавда тузилишининг тури П.П. Башкиров таснифлагичи бўйича гавданинг бўйи ва эни ҳажмларининг унинг узунлигига нисбатан фоизи асосида аниқланди. Ўрганилаётган спортчиларнинг соматотипларга ажратиш Б. Хит ва Дж. Картер таснифлагичи бўйича амалга оширилди. Мазкур тасниф асосини эмбриологик тамойил ташкил этади. Соматотип инсон гавда тузилишининг дастлабки компонентларини таснифловчи учта кетма-кет сондан иборат бўлган баҳолаш тизими томонидан аниқланди. Эндоморфия бадандан ажралиб чиқадиган ёғлар даражаси ва тананинг думалоқланган контурини; мезоморфия - скелет ва мускуллар ривожланишини; эктоморфия – гавданинг узунлиги ва унинг бироз кичикроқ бўлган абсолют уст қисмини белгилаб беради. Натижалар таҳлили миллий кураш турлари билан шуғулланаётган спортчиларда курашнинг халқаро турлари билан шуғулланаётган спортчиларга қараганда мезоморфиянинг аҳамияти ишончли тарзда юқори бўлиши ва гавда тузилиши компонентларининг бир турлилиги кучли шаклланганлигини кўрсатиб берди. (3-жадвал).

Шу тарзда спортчиларнинг морфометрик жиҳатларда ўрганиш натижаларига кўра ўзбек кураши билан шуғулланаётган курашчиларда оёқлар мускуллари кучли ривожланган бўлиши аниқланди. Бу борага тегишли кўрсаткичлардаги статистик ишончли фарқлар ҳам айнан шу туфайли эканлиги қайд этилди. Шунингдек интенсив машқлар ва курашдаги олишувларнинг шиддати курашчиларда мушаклар массаси кўрсаткичи

юқори бўлиши ва ёғ массаси кўрсаткичи эса имкон борида паст бўлиши кераклигини тақозо этади. Ўзбек кураши билан узок йиллар давомида шуғулланиш эса курашчиларда мезоморф соматотипи ривожланишига олиб келади. Функционал кўрсаткичларда Гарвард степ-тест (Халқаро Гарвард Степ Тести - ХГСТ) ва Ҳаёт индекси (Ҳаёт тести) нинг чидамлилиги кўрсаткичларини аниқлаш бўйича маълум индексларидан ташқари ишончли фарқлар кузатилмади.

**3-жадвал.**

**Курашчилар соматотипи кўрсаткичлари**

|            | Спортчилар гуруҳи                      |                                          |
|------------|----------------------------------------|------------------------------------------|
|            | 1-гуруҳ<br>Миллий кураш турлари (n=40) | 2- гуруҳ<br>Халқаро кураш турлари (n=30) |
| Эндоморфия | 2,76±0,59                              | 3,0±0,11                                 |
| Мезоморфия | 5,62±0,13*                             | 5,1±0,18                                 |
| Эктоморфия | 2,5±0,5                                | 2,4±0,24                                 |

**Изоҳ:** n–танланган машқ ҳажми; \*– 2-гуруҳ спортчиларининг кўрсаткичлари билан қийослангандаги фарқлар; статистик ишончлилик тенгламаси <0,05

Курашнинг халқаро турлари билан шуғулланувчи спортчиларнинг натижалари ва морфофункционал кўрсаткичларига ўзбек кураши билан шуғулланиш таъсирини баҳолаш учун асосий спорт тури (дзюдо, самбо, эркин кураш)дан ташқари ўзбек кураши билан узок вақт шуғулланиш тажрибасига эга бўлган курашчилар гуруҳи танлаб олинди. Бу гуруҳ (3-гуруҳ)га жинси, ёши ва спорт фаолияти стажи бўйича қийсий таҳлил ўтказилган 2-гуруҳ билан таққосланилувчи 30 нафар курашчидан иборат бўлди.

Биринчи навбатда кураш спорт турининг хар-хил турлари билан аралаш шуғулланувчи спортчиларнинг гавдаси шаклланиши бўйича фарқли хусусиятларини аниқлаштириш учун морфологик кўрсаткичларнинг чуқур таҳлили ўтказилди. Спортчиларнинг гавдаси парциал ҳажмларининг морфометрик кўрсаткичларини баҳолашда 2 ва 3-гуруҳлар ўртача кўрсаткичларининг кўп қисмида статистик жиҳатдан ишончли фарқлар ( $p < 0,05$ ) аниқланмади.

Халқаро кураш турлари ва ўзбек кураши билан аралаш шуғулланувчи спортчиларда кулоч кенлиги ва қўлларни кўндаланг очиш ҳажмларини аниқлашда сон ва болдир айланаси ўртача кўрсаткичлари ва шунингдек, соннинг олд соҳасида тери ости ёғ бириктирувчи тўқималарнинг ишончли тарзда катта бўлган аҳамиятлари аниқланди. Метаболизм жараёнида фаол ва кам фаол бўлган тўқималар нисбатининг миқдор бўйича баҳолаш спортчининг гавда тузилишининг муҳим тавсифи ҳамда муваффақиятга эришишнинг таҳминий мезони ҳисобланади. Масса компонентларини ўрганиш курашнинг халқаро турлари ва ўзбек кураши билан аралаш шуғулланувчи спортчиларда 2-гуруҳ спортчиларига қараганда мушак (мускул) компоненти нисбий массаси ишончли тарзда юқори бўлиши ва ёғ компонентининг нисбий массаси оз бўлиши аниқланди. Ёғ ва мушак(мускул) массасининг бу каби динамикаси табиий ҳисобланади, чунки гавда

